

Саидова Барно Нарзуллаевна,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети, "Педагогика"
кафедраси доценти

ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА АЁЛЛАР ЎРНИНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК: 37.03

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2024_ISSUE_11_6](https://doi.org/10.34920/so/vol_2024_issue_11_6)

САИДОВА Б.Н. ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА АЁЛЛАР ЎРНИНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ушбу илмий тадқиқот аёлларнинг ёш авлод тарбиясидаги ўрнини ёритишга бағишланган. Муаллифнинг хулосасига кўра, ҳозирги пайтда ёш авлодда тўғри тарихий онг, ахлоқий идеаллар ва миллий йўналишларни шакллантиришга кўпроқ аҳамият берилмоқда. Ушбу жараёнларда аёллар муҳим ўрин эгаллаши керак. Бу ҳақиқат кўп жиҳатдан мамлакатнинг тарихий йўлининг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади, бу аёлларнинг халқ маданиятида етакчи ролларга босқичма-босқич кўтарилишига катта ҳисса қўшади.

Таянч сўз ва тушунчалар: тарбия, аёлларнинг ўрни, ёш авлод, таълим, миллий қадрият.

САИДОВА Б.Н. ВАЖНЫЕ ОСОБЕННОСТИ РОЛИ ЖЕНЩИН В ВОСПИТАНИИ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ

Данное научное исследование раскрывает место женщин в воспитании подрастающего поколения. Согласно заключению автора, в настоящее время все большее значение придается формированию у молодого поколения правильного исторического сознания, нравственных идеалов и национальных ориентиров. Женщины должны играть важную роль в этих процессах. Этот факт во многом объясняется особенностями исторического пути страны, который в значительной степени способствует постепенному выдвижению женщин на ведущие роли в народной культуре.

Ключевые слова и понятия: воспитание, роль женщины, молодое поколение, образование, национальная ценность.

SAIDOVA B.N. IMPORTANT FEATURES OF THE ROLE OF WOMEN IN THE UPBRINGING OF THE YOUNGER GENERATION

This scientific study reveals the place of women in the upbringing of the younger generation. According to the author's conclusion, at present, increasing importance is attached to the formation of the correct historical consciousness, moral ideals and national guidelines among the younger generation. Women have an important role to play in these processes. This fact is largely explained by the peculiarities of the country's historical path, which greatly contributes to the gradual advancement of women to leading roles in popular culture.

Key words and concepts: upbringing, the role of women, the younger generation, education, national value.

Кириш. Янгиланаётган замонавий фан принципиал жиҳатдан янги, мазмунан интегратив илмий йўналишларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Бунда, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанларнинг тарихий-педагогик, тарихий-фалсафий ёндашув асосидаги ўтмиш ва бугун, ўтмиш ва келажак, бугун ва келажак тамойилларнинг асл моҳияти инсон маънавий қиёфасини ўрганиш илмий потенциални янада бойитиш мақсадида, аждодлар маънавий бой хазинаси ва меросини тадқиқ этиш орқали уларни замонавий талаб ва эҳтиёжларга трансформация қилинишига имкон яратиш, янгича долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода, башарият тарихида ўзининг тарихига эга бўлган ва инсон маънавий сиймосини яратишда, таълим-тарбия жараёнида етакчи ўрин эгаллаган аёллар мақомини кундан-кунга ривожлантириш тенденциясининг тарихий-педагогик контексти ва ундан замонавий таълим муаммолари ечимида самарали фойдаланиш масаласи ҳам илмий муаммо ва ҳам амалий ишлар маёғи сифатида алоҳида илмий-тадқиқот муаммосига айланмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Тадқиқот масалаларининг долзарблиги айниқса, сўнгги йилларда миллий маданият даражасида сезиларли ўсиш кузатилганлиги билан боғлиқ. Ушбу тенденциянинг янада ривожланиши кўп жиҳатдан Янги Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялаш ва жамиятни чинакам демократлаштиришга боғлиқ бўлади.

Давлатимизда яшовчи кўплаб халқларнинг маданияти аёлларни оилавий муносабатларнинг асосий регулятори сифатида алоҳида мавқеини кўрсатади. Ва бугунги кунда турли хил ижтимоий ролларни бажариш, аёлга жамиятимиз келажаги учун катта масъулият юклайди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда миллий қадрият ва маданият муаммоларига муносабат кескин ўзгарди, мамлакатимизда яшаётган халқларнинг ўз-ўзини англаши, менталитети ҳам турлича бўлиб бормоқда, чунки кўплаб халқларнинг иқтисодий ва ижтимоий-маданий тажрибаси модернизация жараёнида, уни такомиллаштириш моделлари кучаймоқда.

Бу жараёнларнинг ислоҳоти, ўз навбатида, аёлларнинг мамлакатдаги ижтимоий-тарбиявий ўрнига бевосита таъсир қилади. Хусусан, уларнинг ёш авлод тарбиясидаги

ўрни маълум маънода ўзгариши мумкин. Тадқиқотимиз, айнан бундай ўзгаришларни ёритиш масалаларига бағишланган.

Мавзу бўйича илмий адабиётларнинг қисқача таҳлили. Ёш авлодни тарбиялашда аёллар ўрнининг муҳим хусусиятлари илмий муаммо сифатида кўп илмий изланишлар, тадқиқотлар доирасида ўрганилган ва нашр этилган. Ушбу мақола тайёрланиши жараёнида энг янги илмий адабиётларнинг бир қисми кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, ёш авлод тарбиясида аёлларнинг ўрни ҳақида кўплаб илмий ва педагогик адабиётлар мавжуд. Мухтасар ифода этиш мақсадида, улардан айримларини кўрсатиб ўтиш лозим деб топилди.

Жумладан, “Оила ва жамиятда ёшлар тарбияси” ном китобда¹ оилада аёлларнинг роли ва болалар тарбиясига таъсири ҳақида кўп илмий асосланган маълумотлар берилган. “Таълим ва тарбия жараёнида оила аҳамияти” номли китобда² эса оиланинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва аёлларининг таъсири ҳақида бой маълумотлар берилган. Ёки, “Миллий қадриятлар ва тарбия усуллари” китоби³ ҳам ёш авлод тарбиясида миллий қадриятлар ва анъаналарнинг аҳамиятини ёритади, шу жумладан, муаллиф аёлларнинг ролини кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Анъанавий ва замонавий тарбия усуллари ҳақида “Ёшлар тарбиясида анъаналар ва замонавийлик” деб номланган асарда⁴ сўз юритилади ҳамда аёлларнинг ёшлар тарбиясидаги фаол иштирокига алоҳида урғу берилган. Маънавият ва маърифат орқали ёшларни тарбиялаш, аёлларнинг бу жараёндаги роли “Маънавият ва маърифат орқали ёш авлод тарбияси” номли рисолада⁵ ёритилган. “Психология асосида тарбия усуллари” китобида⁶ тарбия психологияси ҳақидаги масалалар ёритилган

¹ Ибрагимова М. Оила ва жамиятда ёшлар тарбияси. – Бухоро: Илм, 2020.

² Абдуллаев А. Таълим ва тарбия жараёнида оила аҳамияти. – Тошкент: Фан, 2018.

³ Ҳасанова С. Миллий қадриятлар ва тарбия усуллари. – Самарқанд: Афросиёб, 2017.

⁴ Нурматова З. Ёшлар тарбиясида анъаналар ва замонавийлик. – Тошкент: Университет нашриёти, 2019.

⁵ Файзиева Д. Маънавият ва маърифат орқали ёш авлод тарбияси. – Тошкент: Муносабат, 2016.

⁶ Жонова Н. Психология асосида тарбия усуллари. – Тошкент: Ёшлик, 2015.

бўлиб, аёлларнинг болалар руҳиятига таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бизнингча, ушбу адабиётлар ёш авлод тарбиясида аёллар ўрнини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Улар орқали турли педагогик, психологик ва ижтимоий жиҳатлардан назар солиб, мавзуга оид кенгроқ маълумотлар олиш мумкин.

Муаммонинг қўйилиши. Ушбу мақоланинг мақсади Ўзбекистон халқлари аёлларининг ёш авлодни тарбиялашдаги ўрнини ўрганишдан иборат бўлиб, шу мақсадга мувофиқ тадқиқот вазифалари Янги Ўзбекистонда ривожланган ёш авлодни тарбиялаш билан боғлиқ вазиятни тадқиқ этиш, унинг мамлакатда намоён бўлаётган энг муҳим хусусиятларини аниқлаш, болалар, ўсмирлар ва ёшларни тарбиялаш жараёнини модернизация қилишнинг асосий имкониятларини таҳлил қилишга йўналтирилди.

Таъкидлаш жоизки, мақоланинг илмий янгилиги ёш авлодни тарбиялашда аёллар ўрнининг энг муҳим хусусиятларини аниқлаш билан белгиланади. Унинг назарий аҳамияти инсоният жамияти ривожланишининг ҳозирги босқичида аёлларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни ҳақидаги педагогик билимларни кенгайтиришда кўрсатилган. Шунинг учун, бизнингча, мақоладаги айрим фикр-мулоҳазалар бу масала бўйича кейинги тадқиқотлар йўналишини аниқлашда амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижалари. Юқорида айтиб ўтилганидек, бугунги кунда аксарият халқлар орасида жамият ривожланишининг муҳим хусусиятлари бу миллий маданиятни ривожлантириш жараёнини жадаллаштириш ҳамда миллий кадриятлар тарихига қизиқишнинг сезиларли даражада ошиши билан ажралиб туради.

Ўз навбатида, бу жараёнларда ёш авлод онги ва қалбида ўз халқларининг миллий кадриятларига, маданий бойликларига, тарихий онга асосланган маънавий-ахлоқий идеаллар каби шахсий хусусиятларни шакллантириш муҳимдир. Табиийки, аёлларнинг тарихий-ижтимоий рисолати шу жараёнларнинг ўзагини ташкил этади. Соддароқ ифода этсак, болалар, ўсмирлар ва ёшларда кўрсатилган хусусиятларни шакллантиришда аёллар муҳим роль ўйнаган ва ўйнаши керак. Шу билан бирга, уларнинг халқларимиз ора-

сида жамиятнинг тарихий ривожланиши жараёнидаги ижтимоий ўрни ҳам доимий динамик жараёндир. Қолаверса, тегишли этник гуруҳлар ва умуман жаҳон ҳамжамияти ҳаётининг ижтимоий ва маданий жиҳатлари ривожланиши билан ҳам аёллар мавқеининг аҳамияти ижобий ўзгарди.

Тарихий манбаларга асосланиб, ўзбеклар ва Марказий Осиёнинг бошқа халқлари орасида аёлларнинг мавқеи тарихига қисқача сайр қилинса, биринчи навбатда, шуни таъкидлаш керакки, анъанага кўра, ўзбеклар ва минтақанинг бошқа халқлари орасида аёлга уй бекаси деб аталган муҳим ва ҳурматли ўрин берилган. Марказий Осиё халқларининг анъанавий жамияти аёл вакиллари томонидан юқори баҳоланар эди. Иккинчи томондан, замонавий илмий доиралар вакиллари-нинг фикрига кўра, аёлнинг позицияси бироз қарама-қарши эди, деган мулоҳаза ҳам йўқ эмас. Мисол учун, агар ҳар қандай ёшдаги эркак кирса, ҳатто кекса аёл ҳам ўрнидан туриши керак эди ёки унинг йўлини кесиб ўтмаслиги керак эди. Аммо, агар халқларимиз орасида аёлларнинг аҳволини тарихий ўрганишда биз ўзбекларнинг бу ҳолатга муносабатини тушунишга имкон берадиган тарихийлик тамойилидан фойдалансак, бизнинг фикримизча унда ҳеч қандай қарама-қаршилиқ йўқлигини тушунамиз. Балким, анъанавий маданиятда ижтимоий ролларнинг бўлиниши шундай намоён бўлар эди. Учундандан, ўз навбатида, ҳар ким ўзининг ижтимоий аҳамиятга эга жойига эга бўлган жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурматни назарда тутган.

Замонлар ўзгариб, айниқса, инқилоблар сабаб, дунёнинг айрим ҳудудларида, айниқса Европада ҳуқуқ ва эркинлиги чекланган аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлдилар. Бироқ, буларнинг барчаси аёлнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинлиги билан боғлиқ масалалар ҳисобланади. Аёлнинг ижтимоий ҳаётда тутган умумий ўрни ва айниқса, тарбия ва таълим жараёнидаги улуши ул зотнинг аввало оиладаги оналик мақоми, кейин эса, жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб ҳосил бўлган зарурат юзасидан белги-лар эди.

Руслар заминида содир бўлган XX асрдаги инқилоб нафақат ўзбеклар, балки Марказий Осиёнинг бошқа халқлари орасида ҳам аёллар

мақомининг бир қатор муҳим ўзгаришларига туртки бўлди. Болшевиклар меҳнаткаш ва эксплуатация қилинган халқлар ҳуқуқларининг Декларацияси, 1918 йилдаги совет Конституцияси каби ҳужжатларнинг қабул қилинишига замин яратиб, аёлларнинг ижтимоий мақомига ҳам эътибор қаратди. Янги ҳукумат томонидан қабул қилинган ушбу ва бошқа айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари аёллар учун бир қатор фуқаролик ҳуқуқларини таъминлади ва ижтимоий фаолият доирасида уларнинг тарбиявий ўрнини кенгайтиришга ва бу ўринга ижтимоий мазмун бағишлашга шароит яратди. Ўшанда, совет мамлакати аёли янги мақомга эга бўлди, унинг мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, маданий ва меҳнат ҳаётидаги ўрни, хусусан, Марказий Осиё минтақасида ҳам сезиларли даражада ўсди. Шундай қилиб, ўша даврлар охирида Марказий Осиёда ҳам, умуман мамлакатда ҳам ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида аёлларнинг ижтимоий аҳамияти сезиларли даражада ошди. Минтақамизда, айниқса қишлоқ жойларда аёлларни озод қилиш жараёни анча мураккаблашди. Бунинг учун кўпинча кўплаб анъанавий муносабатларни, жумладан, уруғ-авлод, диний, ички муаммоларни енгиш керак эди. Такроран таъкидламоқчимизки, Марказий Осиёда аёлнинг ижтимоий ҳаётда ва айниқса, тарбия ва таълим жараёнидаги улуши унинг аввало оиладаги оналик мақоми, кейин эса, жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб ҳосил бўлган зарурат юзасидан белгиланар эди.

Аждодларимиз асрлар давомида аёлнинг барча имкониятларидан самарали фойдаланиш учун мавжуд ҳаётий шароитларга таяниб, таълим, тарбия, маънавият, маданият, иқтисод, тиббиёт, бошқарув ва бошқа соҳаларда аёл потенциалига эътиборли бўлганлари кўп манбаларда ўз аксини топган. Бироқ, ушбу жараёнларнинг ўзига хос хусусияти уларнинг оммавий тўс олмаганлигида намоён бўлади. Қайси бир ҳудудда аёллар таълим-тарбияда устувор бўлган, бошқа бир ҳудудда, айтайлик бошқарувда уларнинг ўрни кўпроқ кузга ташланади. Аксарият ҳудудларга хос бўлган муҳим хусусият – бу мақсадли саводли қилиш орқали аёлнинг оила ва жамиятдаги таълим-тарбиявий мақомини юксак даражаларга кўтариш каби ижтимоий вазифа ва режаларнинг йўқлиги эди. Айнан, шу хусусиятни бартараф этишда

XX-асрдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар муҳим бўлган.

Саводсизликни бартараф этиш орқали саводсиз аёлнинг камайишига жиддий ёрдам бериш керак эди. Янги ҳукуматнинг биринчи йилларидан бошлаб аёллар ва қизлар учун биринчи даражали мактабларнинг оммавий очилиши диққатга сазовор. Бундан ташқари, аёлларнинг юқори даражадаги таълим олишларига кўмаклашиш чоралари кўрилди. Оналарнинг интеллектуал даражасининг бундай ўсиши табиий равишда ёш авлодда бундай ривожланиш билан боғлиқ эди.

Эркалар билан тенг равишда ўқиш имкониятига эга бўлган аёллар, шунингдек, тенг шароитларда ишлаш имкониятига эга бўлдилар. Бу, ўз навбатида, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳолатидаги бошқа ўзгаришлар билан ўзаро боғлиқ эди. Саноат корхоналарида аёллар кенгашларининг ташкил этилиши, ишчи-аёлларнинг ҳаётини яхшилаш учун жуда кўп ишлар амалга оширилиши, шунингдек, аёлларнинг меҳнат ва дам олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа функцияларни бажаришдан ташқари, корхоналарда аёллар эҳтиёжлари учун қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқарилиши аёлларнинг ижтимоий мақомини мустаҳкамлади.

Ўтган асрда аёлларни ижтимоий фойдали ишларга жалб қилишни аёлларни озод қилишдаги асосий ютуқ деб ҳисобланди. Кўп жиҳатдан, бу ҳақиқат эди, лекин шуни ҳам ёдда тутиш керакки, аёлларни ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга жалб қилиш орқали улар уй бекаси сифатида маълум маънода анъанавий вазифаларини бажаришдан чалғитишга сабаб бўлиши хавфи ҳам юзага келиши мумкин эди, агар ушбу омилни бартараф этувчи чоралар кўрилмаганда. Ҳатто, уй бекаси ва онанинг иши бироз обрў ва қадрини йўқотди. Шу муносабат билан ишлаб чиқаришда банд бўлганларга нисбатан аёл уй бекаларининг ўзини ўзи қадрлаши сезиларли даражада камайди. Агар эркак анъанавий оила таркибида асосий боқувчи бўлса, энди аёл у билан тенг шароитларда оилани боқиши мумкин эди. Шундай қилиб, 20-асрнинг биринчи ярмидан бошлаб оила ижтимоий фаолият ва мафкура соҳасига кенг жалб этилиши билан ажралиб туради. Кўпинча, иккала ота-она ҳам ишлаб чиқаришда иш билан таъминланган ва болалар давлат муассасалари маконида тар-

бия ва таълим олишган. Бундай шароитда эркалар ва аёлларнинг ролларига бошқача муносабатда бўлган авлод шаклланди. Агар унинг аксарият вакиллари аёллар устун мавқега эга бўлган оилаларда шаклланганлигини эсласак, бу ҳақиқат ажабланарли эмас.

Бу авлод йигитлари ўз оилаларининг омон қолиши учун курашда кўпинча оналарининг кўрсатмаларига амал қилишган. Қизлар ҳам олдинги авлод вакилларида ажралиб турарди. Таълим олиш имкониятига эга бўлган ҳолда, улар 1920-1930 йилларга қараганда Совет жамияти ҳаётининг турли соҳаларида, жумладан,

- таълимда;
- соғлиқни сақлаш;
- ишлаб чиқариш фаолиятида кўпроқ иштирок этишган:

Кўриб турганимиздек, XX-асрнинг ўрталарига келиб жамият узоқ ва қийин йўлни босиб ўтди. Бу, бошқа нарсалар қатори, аёлларнинг ўзини ўзи англашнинг ривожлантириш, шунингдек, уларнинг жамиятдаги ўрнининг ўсиши билан боғлиқ эди. Аёллар салоҳиятини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш механизми вақт ўтиши билан ўрнатилди ва тобора кўпроқ фойдаланилмоқда.

Сўнги йилларда жаҳон цивилизацияси ва унинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон ҳам жиддий ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Бу икки омилга боғлиқ:

- аёллар инсониятнинг аксарият қисмини ташкил қилади;
- улар ёш авлоднинг асосий тарбиячиларини ифодалайди.

Шунга кўра, уларнинг иштирокисиз замонавий воқеликнинг кўплаб ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий муаммоларига муносиб жавоб бериш мумкин эмас.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, юқоридагиларга асосланиб, хулоса чиқариш мумкинки, ёш авлод тарбиясида аёлларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга, чунки улар оила ва жамиятнинг асосий тарбиячиларидир. Аёллар болаларга меҳр-муҳаббат, одоб-ахлоқ ва анъаналарни ўргатишда муҳим роль ўйнайдилар. Бизнингча, ёш авлод тарбиясида аёллар ўрнининг асосий хусусиятлари қуйидагича умумлаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

1. *Меҳр-муҳаббатни ривожлантириш:* Аёл фарзандларга меҳр ва муҳаббат кўрсатиб, улар-

нинг ички дунёсига таъсир ўтказди. Бу муносабатлар болаларнинг руҳий соғломлигига ва уларнинг ижтимоий муносабатларга тайёрлигига ёрдам беради.

2. *Одоб-ахлоқ ва маънавият тарбияси:* Аёл бола шахсига одоб-ахлоқ, иймон ва маънавий қадриятларни ўргатишда асосий ўринга эга. Бу жараён орқали бола шахси ўз қадриятини шакллантиради ва жамиятдаги одоб-ахлоқ меъёрларига мувофиқ тарбияланади.

3. *Анъана ва маданиятни сақлаш ва ривожлантириш:* Аёлнинг миллий анъана ва маданиятни сақлашда ҳамда ёш авлодга уларни ўргатишдаги ижтимоий ўрни катта аҳамиятга эга. Бу шахснинг миллий ўзлик ва миллий ғурур туйғусини шакллантиради.

4. *Ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш:* Аёл фарзандларга ижтимоий муносабатларни ўргатишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Шахс оила муҳитида турли хил ижтимоий кўникмаларни ривожлантириб, келажакда жамиятда фаол иштирок этишга тайёрланади.

5. *Сабр-тоқат ва масъулиятни ўргатиш:* Аёл болаларга сабр-тоқатлилик ва масъулиятлилик туйғуларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Бу туйғулар ёш авлоднинг келажакдаги муваффақияти учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Демак, аёл ёш авлоднинг ҳар томонлама етук ва комил инсон бўлиб етишиши учун жуда муҳим роль ўйнашини ҳамда болаларнинг ички оламини шакллантириш, одоб-ахлоқ ва маданиятликни ўргатиш орқали жамият ривожига ҳисса қўшишини инobatга олиб, миллий қадриятларни ривожлантириш жараёнининг жадаллашуви бугунги кунда Ўзбекистонда жамият тараққиётининг муҳим хусусияти эканлигидан келиб чиқиб, ёш авлодда тўғри тарихий онг, ахлоқий идеаллар ва миллий содиқлик ҳис-туйғуларини шакллантиришда аёлларга кенг шароит ва имкониятлар яратиш чоратадбирларни янада мазмунли ва ранг-баранг қилиш зарур;

Мамлакатнинг тарихий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, маҳаллий аёлларни Ўзбекистон халқлари маданий ҳаётида етакчи ролларга босқичма-босқич кўтарилишига давлат гендер тенглиги сиёсати кўмаклашиши давр тақозосидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев А. Таълим ва тарбия жараёнида оила аҳамияти. – Тошкент: Фан, 2018.
2. Айсувакова Т.П., Ахмедова Э.М. и др. Психолого-педагогические аспекты осуществления образовательного процесса в современных социокультурных условиях. - Москва, 2021.
3. Ҳасанова С. Миллий қадриятлар ва тарбия усуллари. – Самарқанд: Афросиёб, 2017.
4. Нурматова З. Ёшлар тарбиясида анъаналар ва замонавийлик. – Тошкент: Университет нашриёти, 2019.
5. Ибрагимова М. Оила ва жамиятда ёшлар тарбияси. – Бухоро: Илм, 2020.
6. Файзиева Д. Маънавият ва маърифат орқали ёш авлод тарбияси. – Тошкент: Муносабат, 2016.
7. Жонова Н. Психология асосида тарбия усуллари. – Тошкент: Ёшлик, 2015.